МАРКАЗИЙ ФАРҒОНА ТАБИАТ ЁДГОРЛИГИ ЎСИМЛИК ВА ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИ

М.Ҳ.Аҳмедов, А.К.Ҳусанов, А.Д.Раҳимов, Ф.М.Ҳасаналиева

Мақолада Марказий Фарғона табиат ёдгорлиги ўсимликлари, герпетофаунаси ва афидофаунасининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Калит сўзлар: *Марказий Фарғона, табиат ёдгорлиги, ўсимликлар, афидофауна, герпетофауна, амфибиялар, рептилиялар, Қизил китоб*

В статье приводятся данные о растительности, герпетофауне, афидофауне природного памятника "Центральная Фергана".

Ключевые слова: *Центральная Фергана, природный памятник, растение, афидофауна, герпетофауна, амфибия, рептилия, Красная книга*

This article studies the natural monument of Central Fergana, the particularity of plants, herpetofauna and afidofauna.

Key words: *Central Fergana, natural monument, plants, afidofauna, herpetofauna, amphibians, reptiles, The Red Book.*

Марказий Фарғона табиий ландшафтлари флораси ва фаунаси, бошқа чўл минтақаларида ҳам кузатилганидек, қурғоқчил шароитга мослашган турлардан шаклланган. Ҳудуднинг ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси юқори ҳарорат, паст нисбий намлик ҳамда шўрлашган шароитда яшашга мослашгани билан ажралиб туради.

Марказий Фарғонанинг қурғоқчил шароити атмосфера ёғинларининг камлиги, шунингдек, юқори ҳароратнинг таъсири билан боғлиқ. Иқлим билан бир қаторда, Марказий Фарғона қум уюмларининг шамол таъсирида ўзгариб туриши ҳам маълум даражада ўсимликлар хилма-хиллигига, шунингдек, ҳайвонот дунёсига ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз.

Ушбу мақолада Марказий Фарғона табиат ёдгорлиги ўсимликлари, герпетофаунаси ва афидофаунасининг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

М.Ҳ.Аҳмедов *– АДУ зоология ва биокимё кафедраси профессори, биология фанлари доктори;*
А.К.Ҳусанов *– АДУ катта илмий ходим-изланувчиси;*
А.Д.Раҳимов, Ф.М.Ҳасаналиева *– АДУ биология мутахассислиги магистрантлари.*

Тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, Марказий Фарғона табиат ёдгорлигида 26 оила, 51 туркум ва 66 турга мансуб ўсимликлар учрайди.

"Марказий Фарғона"да туркумларга бой бўлган ўсимлик оилалари сони 4 (15 %)тани ташкил этади. Жумладан, унда бошоқдошлар (Poaceae) оиласининг 10 (19,6 %) тури учрайди, бу кўрсаткич қоқиўтдошлар (Asteraceae) оиласида 6 (11,8 %), бурчоқдошлар (Fabaceae) оиласида 5 (9,8 %) ҳамда шўрадошлар (Chenopodicaeae) оиласида 3 (5,9 %) турни ташкил этади. Мазкур оилаларнинг айрим турлари кенг тарқалган бўлиб, ҳудуд бўйлаб ценопопулацияларни ҳосил қилиб ўсади. Бу ўринда қамиш (*Phragmites communis* Trin), қўнғирбош (*Poa bulbosa* L), ялтирбош (*Bromus oxyodon* Schr.), янтоқ (*Alhagi pseudalhagi* (M.Bieb) Desv.) каби ўсимликларни кўрсатиш мумкин.

"Марказий Фарғона"да толдошлар (Salicaceae), гултожихўроздошлар (Amaranthaceae), торондошлар (Polygonaceae), карамдошлар (Brassicaceae), туятовондошлар (Zygophyllacea) оилаларининг ҳар бири иккитадан туркумга, қолган 17 (65 %) оилалар биттадан туркумга эга (жадвал).

Марказий Фарғона ўсимликларининг оилалар ва туркумлар бўйича тақсимланиш кўрсаткичлари

№	*Оилалар*	*Туркумлар сони*	*Фоиз ҳисобида*	*Турлар сони*	*Фоиз ҳисобида*
1	POACEAE	*10*	*19.61*	*11*	*16.68*
2	ASTERACEAE	*6*	*11.77*	*7*	*10.62*
3	FABACEAE	*5*	*9.81*	*6*	*9.10*
4	CHENOPODIACEAE	*3*	*5.89*	*4*	*6.07*
5	SALICACEAE	*2*	*3.92*	*6*	*9.10*
6	AMARANTHACEAE	*2*	*3.92*	*3*	*4.55*
7	POLYGONACEAE	*2*	*3.92*	*2*	*3.03*
8	BRASSICACEAE	*2*	*3.92*	*2*	*3.03*
9	ZYGOPHYLLACEA	*2*	*3.92*	*2*	*3.03*
10	TAMARICACEAE	*1*	*1.96*	*3*	*4.55*
11	EQULSETACEAE	*1*	*1.96*	*2*	*3.03*
12	TYPHACEAE	*1*	*1.96*	*2*	*3.03*
13	CONVOLVULACEAE	*1*	*1.96*	*2*	*3.03*
14	SOLANACEAE	*1*	*1.96*	*2*	*3.03*
15	EPHEDRACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
16	LILIACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
17	CANNABACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
18	RANUCULACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
19	PAPAVERACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
20	EUPHORBIACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
21	ELAEAGNACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
22	PLUMBAGINACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
23	ASCLEPIADACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
24	BORAGINACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
25	SCROPHULARIACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
26	PLANTAGINACEAE	*1*	*1.96*	*1*	*1.51*
	Жами	*51*	*100*	*66*	*100*

Жадвалда ифодаланганидек, “Марказий Фарғона”да турларга бой бўлган оилалар сони 7 тани ташкил этади. Яъни бошоқдошлар турлар хилма-хиллиги 11 (16,7 %), қоқиўтдошлар 7 (11 %), дуккакдошлар 6 (9,1 %), толдошлар 6 (9,1 %), шўрадошлар 4 (6 %), гултожихўроздошлар 3 (4,6 %) таданга тўғри келади. Мазкур оилалар чўл флорасидаги 40 турга мансуб ўсимликларни бирлаштириб, бу кўрсаткич турлар хилма-хиллигининг 61 % ини ташкил этади. Ўсимликларнинг 7 та оиласи 2 тадан турга эга, жумладан, торондошлар (Polygonaceae), карамдошлар (Brassicaceae), туятовондошлар (Zygophyllacea), қирқбўғимдошлар (Equlsetaceae), қўғадошлар (Typhaceae), печакдошлар (Convolvulaceae), итузумдошлар (Solanaceae) оилаларининг турлар хилма-хиллиги 14 (21 %) тага тўғри келади. Қолган 12 оиланинг ҳар бири 1 тадан турга эга (жадвал).

Марказий Фарғона табиат ёдгорлиги ўсимликлари қаторида тўқайлар алоҳида ўрин эгаллайди. Тўқай флораси алоҳида гидротермик шароитга мослашган ўсимликлар бўлиб, бу ҳудудда дарахтлар (*Populus pruinosa* Schrenk, *P.nigra* L, *Salix songorica* And., *S.tenuifolia* Turcz ex E.Wolf, *S.wilhelmisiana* Bieb, *Elaeagnus angustifolia* L. ва бошқалар), буталар (*Tamarix hispida* Willd, *T.parviflora* DC., *T.ramosissima* Led. ва бошқалар) ҳамда ўтсимон ўсимликлар (*Phragmites communis* Trin, *Glycyrrhiza glabra* L., *Limonium sogdianum* Ikonn-Gal, *Karelinia caspica* (Pall) Les., *Cynodon dactylon* (L) Pers., *Aeluropus litoralis* (Gouan) Parl., *Alhagi kirghisorum* Schr.) учрайди. Бу ўсимликлар тўқайларга хос бўлиб, узоқ муддатли вегетация циклига эгалиги, шунингдек, ёзги тиним даврининг бўлмаслиги билан характерланади.

Тўқайзорлар жадал ўзгарувчан бўлиб, бу ҳолат сизот сувларининг чуқурлигига ҳамда инсон омилига бевосита боғлиқ бўлади.

Умумий қиёсланганда маълум бўладики, Марказий Фарғона табиат ёдгорлиги ўсимликларининг

6 (9,1 %) тури дарахтларга, 13 (19,7 %) тури буталарга, 38 тури кўп йиллик ўтсимон ўсимликларга, 9 (13,6 %) тури эса бир йиллик ўтсимон ўсимликларга мансуб.

Табиат ёдгорлиги афидофаунасига *Chaitophorus capreae* Mosl., *Ch.leucomelas* Koch., *Ch.mordvilkoi* Mam.ex Szel., *Ch.populeti* Panz., *Ch.populialbae* Boyer de Fons., *Ch.pruinosae* Narz., *Ch.salicti* Schr., *Ch.salijaponicus ssp. niger* Mordv., *Lambersaphis pruinosa* Narz., *Brachyunguis tamaricis* Licht., *B.tamaricivorus* Narz., *B.tamaricophilus* Nevs., *B.tausaghyz* Nevs., *B.zygophylli* Nevs., *Xerophilaphis atraphaxidis* Nevs., *X.berezhkovi* Jv., *X.calligoni* Nevs., *X.chondrillae* Mordv., *X.nevskyi* Kreuzb., *X.rhei* Nevs., *X.salsolacearum* Nevs., *X.saxaulica* Nevs., *X.stavropolensis* Jv., *X.zawadovskii* Nevs. турлари хос.

Ўзбекистон герпетофаунаси 3 туркум ва 63 турга мансуб бўлиб, уларнинг 3 тури амфибиялар ва 60 тури рептилиялардан иборат [2]. Шу жумладан, Марказий Фарғона табиат ёдгорлиги ҳудудида амфибияларнинг 2 тури, рептилияларнинг 13 тури ва кенжа тури (умумий фаунанинг 20,6 %) қайд этилган, уларнинг 4 таси (30,7 %), жумладан, Саид-Алиев тақир тўғаракбоши (*Phrynocephalus reticularis ssp. saidalievi* Sat.), Штраух тўғаракбоши (*Phrynocephalus strauchi* Nik.), бўз эчкемар (*Varanus griseus* (Daud.), Фарғона тарғил калтакесакчаси (*Eremias scripta ssp. pherganensis* Szczer. et Wash.) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобидан ўрин олган [1.113-117]. Табиат ёдгорлиги ҳудудида миқдор зичлиги юқори бўлган турлар қаторига яшил қурбақа (*Bufo viridis* Laur.), кўл бақаси (*Rana ridibunda* Pall.), Штраух тўғаракбоши (*Phrynocephalus strauchi* Nik.), Фарғона тарғил калтакесакчаси (*Eremias scripta ssp. pherganensis* Szczer. et Wash.), тез калтакесак (*Eremias velox* (Pall.) турлари киради, Ўрта Осиё чўл тошбақаси (*Agrionemys horsfieldi* Gray), бўз эчкемар (*Varanus griseus* (Daud.) турлари эса кам сонда учрайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби // ЎзР ФА, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси: Ж.2. Ҳайвонот олами. – Т.: Chinor ENK, 2009.

2. Шерназаров Э.Ш., Вашетко Э.В., Крейцберг Е.А., Бикова Е.А., Хуршут Э.Э. Ўзбекистон умуртқали ҳайвонлари // Ўзбекистон умуртқали ҳайвонлари тўрт тилдаги маълумотномаси. - Т.: Фан, 2006.

2015 йил 11 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. А.Умматов)